



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

Иқтисодиёт ва менежмент _____ факультети

Индустриал иқтисодиёт фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Саноат корхоналарини модернизациялаш шароитида
лизинг тизимидан фойдаланишнинг аҳамияти ва уни кенгайтириш

ИК-316 гуруҳ талабаси

Бажарди: Ё.Холбеков

Текширди: З.К.Рахимов

Самарқанд – 2019

Режа:

Кириш	3
1. Лизинг тушунчаси ва турлари.....	5
2. Лизинг тизимидан фойдаланиш имкониятлари.....	10
3. Ўзбекистонда лизинг хизматлари курсатиш ва ботткариттнинг хукукий- меъёрий асосларини яратилиши.....	14
4. Лизинг хизматлари турлари ва бошқариш самарадорлигининг хусусиятлари.....	18
5. Ривожланган мамлакатларда лизинг хизматлари амалиёти тахлил.....	22
Хулоса ва таклифлар	25
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	27

КИРИШ

Янги очилаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш учун Ўзбекистон Республикасида хусусий ҳамда давлат лизинг компаниялари фаолият кўрсатиб юридик ва жисмоний шахсларга фаолият турлари бўйича турли кўринишдаги лизинг хизматларини бериб келмоқдалар. Жумладан, мамлакатимизда саноат соҳасини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида янги ташкил этилаётган корхоналарда талайгина имкониятлар мавжуд. Буларга, банклар ва корхоналар томонидан кредит ва лизинг шаклида молиявий ёки моддий кўринишдаги инвестицияларнинг ишлаб чиқариш корхоналарига жалб этилишидир.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларига қулайликлардан кенг берилаётгани бу – лизинглардир. Лизинг орқали янги очилаётган корхонанинг бошланғич (старт) кўринишдаги моддий ёки молиявий бойликлари мавжуд бўлмаса ҳам, ўз фаолиятини лизинг кўринишида олиб келинган техника воситалари орқали бошлаш имкониятлари кенг тарқалмоқда.

Иқтисодийнинг тадрижий равишда ўсиб боришини таъминлаш, яъни олдинги даврларга қараганда кўпроқ ялпи ички маҳсулот яратиш мақсадида мамлакатлар мавжуд ишлаб чиқаришнинг моддий ресурсларини капитал таъмирлаш, уларни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш ёки малакали иш кучини тайёрлаш, тараққиёт дастурларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш каби ишларни амалга оширишади. Буларнинг барчаси бевосита инвестицион фаолият билан боғлиқдир.

Мамлакат аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ва фаровон яшаши учун иқтисодий ўсиш бўлиши шарт. Иқтисодий ўсиш – бу истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қондирадиган сифатли маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмининг кўпайиб бориши, демакдир. У мамлакат иқтисодийнинг илгарилаб ривожланиб боришини англатади.

Жахон амалиёти лизингни капитал жойлаштиришни маблаг билан таъминлашнинг, аниқроғи, лойихаларга инвестициялар жалб этишнинг юкори самара берадиган тури эканлигини курсатди. куп йиллик кузатиш шуни курсатдики, бозор иктисодиёти шароитида лизинг компанияларининг синиши камдан-кам учрайдиган холдир.

1. Лизинг тушунчаси ва турлари

Жахон амалиёти лизингни капитал жойлаштиришни маблаг билан таъминлашнинг, аниқроғи, лойихаларга инвестициялар жалб этишнинг юқори самара берадиган тури эканлигини курсатди. Куп йиллик кузатиш шунини курсатдики, бозор иқтисодиёти шароитида лизинг компанияларининг синиши камдан-кам учрайдиган ҳолдир.

Лизинг ибораси (инглизчадан «to lease» ижарага олиш ёки ижарага бериш маъносини билдиради ва иқтисодий лугатга киритилган 1877 йилда киртилган. Бирок лизинг операциялари 1952 йилда Сан Франциско шаҳрида ташкил этилган «Юнайтед стейтс лизинг корпорейшн» компаниясида амалга оширилган ва АКШ янги бизнеснинг ватани булиб ҳисобланади. Демак, лизинг деганда ишлаб чиқаришга хизмат курсатувчи ҳар хил машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ҳисоблаш техникаси ҳамда бино ва иншоотларни узок муддатга ижарага берилиши тушунилади.

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, лизингда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сунг, уларни қолдиқ қиймати буйича сотиб олиш кузда тутилади. Лизингнинг фарқли хусусиятларидан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун уз маблағлари етишмайди. Шу сабабли қупчилик лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар қенг қулланилади. Бозор шароитида ҳукумат бугунги кун билан эмас, балки қелгусини уйлаб иқтисодий сиёсат олиб боради. Лизинг фан-техника тараккиётига хизмат қилади. Эртанги кунда ишлаб чиқариш бугунги олинмаган солиқларни туликлигича қоплайди, демак, у иқтисодиётни ривожлантириш учун қушимча имконият яратиб беради.

Лизинг муомалаларини амалга ошириш деганда, ишлаб чиқариш воситаларининг (машина, ускуналар ва ҳоказоларни) тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган юридик ва жисмоний шахсларга урта ёки узок муддатларга ижара шартлари асосида берилиши тушунилади. Ҳаммамизга

одат булиб колган оддий ижара тушунчасидан фаркли уларок, лизингга олинган ишлаб чикариштехника ва технологияларни, машина ва ускуналарни пировард натижада, яъни шартнома муддати тугагандан сунг, ижарачи уларни колдиккиймати буйича сотиб олиши хамда уларга эгалик килиши мумкин. Одатда, лизингмуомалалари жараёнида уч томон иштирок этади, булар:

Лизинг жараёни иштирокчилари

Ишлаб чикарувчи (етказиб берувчи, сотувчи)	зарур машина ва асбоб-ускуналар билан таъминловчи (ёки уларни сотувчи).
Лизинг берувчи	ишлаб чикариш корхоналаридан (ёки сотувчидан) керакли машина ва ускуналарни сотиб олувчи хамда уларни уз мижозларига етказиб берувчи.
Ижарачи (лизинг олувчи)	ишлаб чикариш воситаларини шартнома асосида ижарага олувчи.

Ривожланган мамлакатларда лизинг муомалаларини махсус молия жамиятлари, жумладан лизинг компаниялари, фирмалар ва йирик банклар амалга оширадilar.

Лизинг муомалаларининг хилма-хил турлари мавжуд булиб, амалда эса уларнинг куйидаги икки тури нисбатан купрок кулланилади:

1. Оператив лизинг. Лизингнинг бу турида ижарага берилаётган техника ускуналарининг ижара муддати уларнинг хизмат килиш муддатига караганда киска булади. Мулк эгаси томонидан (лизинг берувчи) ижарага бериш максатида сотиб олинган зарур асбоб-ускуналар хамда уларга кетган сарф-харажатлар факат кисман копланadi.

2. Молиявий лизинг. Бу лизинг асосида узаро томонлар имзоланган шартномага биноан, шартнома муддати тугагандан сунг ижарачи лизингга олинган ускуналарни колдик киймати буйича сотиб олиши мумкин. Бу холда лизингга берилган машина ва ускуналарга эгалик килиш хукуки бевосита ижарачига утади.

Оператив лизинг куйидаги хусусиятларни уз ичига олади:

Ø техник ускуналар ва жихозларни ижарага берувчи лизинг компанияси хеч махал «барча сарф-харажатларимни якка-ю ягона миждозим эвазига коплайман» кабилида хисоб-китобларга таянмаслик;

Ø ижарага берилган техника, асбоб-ускуналарнинг носоз холга келиши ёки йуколиши, шунингдек табиий офатлар - зилзила, ёнгин ва сел кетиш окибатида куриладиган моддий зарарлар, асосан лизинг берувчи компания хисобига копланишини назарда тутиш;

Ø ижара муддати мавжуд асбоб-ускуна ва жихозларнинг жисмонан бутунлай ишдан чикиш муддати копламаслиги даражасида белгиламаслик;

Ø келишилган муддат тугагандан сунг, ижарага олинган барча ускуналар эгасига, яъни лизинг берувчига кайтариб берилади.

Оператив лизинг куйидагиларни уз ичига олади:

Ø Рентинг. Мулкни бир кундан то бир йилгача булган киска муддатга ижарага беришни назарда тутати.

Ø Хайринг. Бунда мулк 1 йилдан 3 йилгача муддатга ижарага берилади. Одатда, бу муддат урта муддат хисобланади.

Юкоридаги муомалалар бир турдаги (турдош) ускуналарни бир ижарачи тасарруфидан бошка бирига тез-тез утиб туришини такозо этади.

Молиявий лизинг буйича келишилган муддат тугагандан сунг ижарачи томонидан ижарага олинган ускуналар кийматини тулаши мухим ахамият касб этади. Ижарага берилган машина ва ускуналар, уларни ишлаб чикарган корхона томонидан белгиланган иктисодий фойдаланиш муддати (амортизация даври)ни уташи, шубхасиз, лизинг компаниялари кутган ва олдиндан белгилаган фойдани келтиради.

Молиявий лизинг хам уз навбатида куйидаги турларга булинади:

Ø баъзи хизмат турларини камраб олувчи лизинг;

Ø леведж-лизинг;

Ø "пакетдаги" лизинг.

Баъзи хизмат турларини камраб олувчи лизинг. Бунда лизинг компанияси ижарага берилган ускуналарни урнатиш, созлаш, мутахассислар тайёрлаш каби бир катор мажбуриятларни уз зиммасига олади.

Леведж-лизинг. Бунда ижарага берилаётган ускуна ва жихозлар нархининг катта микдори учинчи томондан, яъни инвестордан карзга олинади.

"Пакетдаги" лизинг. Мавжуд ишлаб чикариш иншоатлари ва бинолар кредитга берилиб, зарур булган машина ва ускуналар эса ижарачига ижара шартномаси асосида берилади.

Лизинг муомалалари уларни келтириб чикарувчи объектив шарт-шароитларга караб, аникроги, объектга эгалик килиш манбалари нуктаи назаридан иккига: бевосита ва яна узига кайтувчи лизинг турларига булинади.

Бевосита лизинг. Бунда лизинг компанияси мижоз учун унинг буюртмаси асосида машина ва ускуналарни уларни ишлаб чикараётган корхоналардан сотиб олади.

Яна узига кайтувчи лизинг. Молиявий лизингнинг нисбатан кам учрайдиган бу тури «лиз-бэк» деб хам аталади. Бунда ишлаб чикарувчи корхона уз тасарруфидаги хусусий мулкнинг бир кисмини лизинг компаниясига нақд пулга сотади. Айни чоғда лизинг компанияси билан корхона уртасида сотилаган мулк хусусида шартнома тузилади. Шартномага биноан лизинг компанияси эса муайян муддат ичида ижара хакини олаверади. Бу шароитда корхона сотилган мулк учун олган маблағларни ишлаб чикаришни кенгайтириш ва ривожлантириш максадларига сарфлаш имкониятларига эга булади.

Ижарага берилаётган мулкка нисбатан лизинг куйидаги турларга булинади:

Соф лизинг. Бунда ижарага берилаётган мулк ва уларни ишлатишга сарфланадиган барча кушимча харажатлар ижарачи зиммасига юклатилади.

Тулик лизинг. Бу лизинг турига биноан ижарага берилаётган машина ва ускуналарга техник хизмат курсатиш билан боғлиқ барча сарф-харажатлар лизинг компанияси зиммасига тушади.

Агар лизинг берувчи субъект сифатида лизинг компанияси фаолият курсатса, бундай ҳолларда лизинг бўйича операциялар қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ø Шартнома имзолангунга қадар лизинг олувчи субъектнинг талаб ва эҳтиёжлари баён этилган буюртмаси қуриб чиқилади. Компания раҳбарияти уз навбатида, юқоридаги буюртма билан мурожаат қилган ташкилотнинг сунгги йиллардаги молиявий аҳволи билан танишиб чиқади. Агар текширув натижаси қониқарли деб топилса, компания мазкур ташкилот билан лизинг шартномасини имзолайди.

Ø Шартнома икки томон уртасида лизинг компанияси (ижарага берувчи) ва лизинг олувчи (ижарачи) ёки бўлмаса уч томонлама имзоланиши мумкин. Бунда, шартномада учинчи томон сифатида зарур машина ва ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхона иштирок этади.

Лизинг шартномаси икки томонлама имзоланган тақдирда лизинг компанияси иккинчи томон билан шартнома шартларини келишиб олгандан сунг, унинг буюртмасига мувофиқ, суралаётган техника ва технологияларни, машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхонага маълумотнома юборади ҳамда ижарага олинаётган ускуналарнинг нархлари ижара шартлари ва хоқозоларни келишиб олади. Лизинг олувчи субъект эса, уз навбатида, компанияга, узига керакли ускуналарни ижарага олишини тасдиқловчи мажбурий хати юборади. Одатда, бу хатга керакли ускуналарни олиш ҳақидаги буюртма бланкаси илова қилинади.

2. Лизинг тизимидан фойдаланиш имкониятлари

Миллий иқтисодий таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, фуқароларнинг даромади ва ҳаётининг сифатини оширишда муҳим омил ва йўналишлардан бири – фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш ҳисобланади.

Бундай долзарб масалани ҳал этиш, табиийки, ички ҳамда ташқи инвестицион манбаларни ишга солишни талаб қилади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш инвесторлар томонидан ташкил этилган манбалар, жалб қилинган кредитлар ҳамда конунчиликда белгиланган ҳолда қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни жойлаштириш ҳисобига амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ички ва ташқи манбалардан фойдаланилади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг энг ишончли манба – корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобланади. Корхоналарнинг инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришга интилиши доимо ижобий, деб баҳоланади. Чунки, бундай ҳолатда корхоналар молиялаштириш манбаларини қаердан олиш керак, деган муаммога рўпара келмайди ва уларнинг банкрот бўлиш хавф-хатари камаяди.

Корхоналар томонидан инвестицияларни ўз ҳисобидан молиялаштиришнинг бошқа ижобий томонлари ҳам бор. Хусусан, ўз-ўзини молиялаштириш корхонанинг ривожланганлигидан ва унинг яхши молиявий ҳолатда эканлигидан далолат беради. Бундай корхоналар ракобатчилардан маълум бир устунликка эга бўлади. Ҳаётда барча корхоналарда бундай имконият бўлмаслиги мумкин.

Ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этадиган ўз маблағлари манбаи – бу, асосан, соф фойда ва амортизация ажратмаси ҳисобланади.

Соф фойдадан самарали фойдаланишда корхоналарнинг айна пайтдаги ва истикболдаги техник ҳолатини ҳамда меҳнат жамоасининг ижтимоий ҳолатини яхши билмоқ муҳимдир. Фойдани корхона олдида турган иқтисодий ва социал муаммолар даражасига асосланган ҳолда ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Мабода корхонанинг техник ривожланиш даражаси паст бўлса ва бундай ҳолат рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилиб, оқибатда корхонани банкротликка олиб келиши мумкин бўлса фойдани – ишлаб чиқаришни техник ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, корхонадаги социал масалалар (уй-жой, дам олиш уйи, боғча қуриш ва ҳоказолар) ҳал қилинган бўлса, бунда ҳолатда ҳам фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш керак бўлади.

Фойда – корхонанинг истикболда ривожланишини таъминлашда асосий манба бўлмоғи лозим. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, охир оқибатда корхона фойдаси ҳажмининг ўсишига, корхона жамоасининг социал муаммоларини хал этишга ва корхона инвестиция имкониятларининг кенгайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда амортизация ажратмалари муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Улар ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиб қолмай, балки маълум даражада уларни кенгайтиришга ҳам мулжалланган бўлади.

Ривожланган мамлакатларида амортизация – корхона инвестиция эҳтиёжининг 70-80%ини кондиреди. Ўзбекистонда ҳам амортизация ажратмаларига, инвестицияларни молиялаштиришда муҳим манбаи сифатида қаралади.

Шуни таъкидлаш лозимки, амортизация ажратмалари инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бошқа манбаларга нисбатан устунликка эга. Чунки, у манба сифатида корхонанинг ҳар қандай молиявий ҳолатида ҳам ўз ўрнига эга ва доимо корхона ихтиёрида бўлади.

Инвестицион фаолиятини молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолатларда, корхона маблағларни – қимматли қоғозлар чиқариш ёки банк кредити орқали жалб қилиши мумкин.

Инвестицион лойихаларни молиялаштиришнинг кенг тарқалган ва молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири – қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ҳисобланади.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан харид қилинадиган қимматли қоғозлар ичида кенг тарқалган тури – акционерлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акциялардир.

Қимматли қоғозлар чиқариш, инвестицияларни молиялаштиришда марказлашган маблағлар ва банк кредитларининг ҳиссасининг пасайишига олиб келади.

Қимматли қоғозлар ва кредит бозори пул маблағларига эҳтиёжи бўлган корхоналарга пул маблағларини тақсимлаб корхоналарнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштиради.

Корхоналар инвестицион фаолиятга акциядан ташқари облигацияларни чиқариш йўли билан ҳам маблағларни жалб этишади. Облигацияларни чиқариш ва уларни жойлаштириш бир мунча қисқа вақт ичида корхоналарга зарур маблағларни тўплаш имконини беради.

Облигациялар бўйича операциялар акцияларникига нисбатан камроқ хавф-хатарга эга. Шу сабабдан облигацияларга тўланадиган фоиз акциялар бўйича тўланадиган дивидендга нисбатан пастроқ бўлади. Корхоналар учун облигация чиқаришга нисбатан, акция чиқариш қўлайроқ ҳисобланади. Чунки, олинадиган соф фойда миқдорига қараб, акциялар бўйича тўланадиган дивиденд миқдорини ўзгартириши мумкин, облигациялар бўйича тўланадиган фоиз катъий белгиланган бўлади.

Инвестицион лойихаларни молиялаштиришда – банк кредитлари, суғурта компанияларидан олинадиган қарзлар, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тақдим этадиган кредитлар муҳим роль ўйнайди.

Инвестицион лойихаларни кредит асосида молиялаштириш – фаолият юритаётган корхона учун маъкул ҳисобланади. Чунки, ишлаб турган корхона активлари, ушбу, кредитларнинг кайтарилишига гаров бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Янги ташкил этилаётган корхона учун эса инвестицион лойихаларни молиялаштиришда – акционерлар капиталидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, янги ташкил этилган корхоналар учун банк кредитидан фойданиш юқори хавф-хатар билан боғлиқ бўлади. Корхона кредитни кайтариш учун етарли даражада молиявий ресурслар билан ёки бошқа активлар билан таъминланмаган бўлиши мумкин. Ликвидлик масаласи билан боғлиқ бундай вазиятда янги корхона оғир ҳолатга тушиб қолади.

Янги корхоналарга кредит бериш юқори даражада хавф-хатар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли банклар инвестицион лойиха яхши техник – иқтисодий асосланганда ҳам юқори фоиз ставкасида кредит беришлари мумкин.

Банк томонидан олинадиган фоизлар – бериладиган кредитнинг хажми, муддати, унинг таъминланганлиги, кредитлаш шакли, кредитнинг хавф-хатар даражаси ва бошкаларга боғлиқ тарзда дифференциялашади.

Ўзбекистонда инвестицион лойихаларни молиялаштиришда муҳим манбалардан бири бўлиб хорижий инвестициялар ҳисобланади. Улар тўғридан-тўғри ва порфелли шаклларда жалб этилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартиришда, тармоқларни модернизация қилишда, техник ва технологик янгилашга доир лойихаларни амалга оширишда уларнинг роли ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонга кириб келаётган хорижий инвестицияларнинг 73-74 фоизи тўғридан-тўғри инвестицияларга тўғри келмоқда.

Тўғридан-тўғри инвестициялар – капиталнинг тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Улар асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида бўлади.

3. Ўзбекистонда лизинг хизматлари курсатиш ва ботткариттнинг хукукий- меъёрий асосларини яратилиши

Лизинг хизматларини молиявий дастак сифатида қарар эканмиз, унинг ривожлантириш албатта, хукукий-меъёрий асосларини мукамал яратилганлигига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларига оид хукукий-меъёрий ҳужжатларни дастлабки асослари 1991 йил 16 июлдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон ССЖ деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техникани тузатиш давлат-кооператив кумитаси («Ўзқишлоқхужалик-таъминот тузатиш») тугрисида”ги Низом бўлиб, бу Низомга қура «Ўзқишлоқхужалик-таъминот тузатиш» давлат-кооперативига лизинг компаниялари барпо этиш, тақчил маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан битимлар тузиш ва бошқа ҳуқуқлар берилган бўлиб, кейинчалик бу кумита Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзқишлоқхужалик-таъминот тузатиш» давлат-кооператив кумитасини «Ўзағромашсервис» уюшмаси этиб ўзгартириш тугрисида»ги 2000 йил 31 октябрдаги ПФ-2741-сон фармони асосида «Ўзағромашсервис» уюшмаси этиб тайинланган ва унга машина-трактор паркларига лизинг асосида қишлоқ хужалик техникаси етказиб бериш тугрисида «Ўзқишлоқхужалик машлининг» компанияси билан шартномалар тузиш ва

бошқа ҳуқуқлар берилган. Навбатдаги меъёрий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилнинг 26 февралдаги 85-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси тугрисида”ги Низом бўлиб, унга қура “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси” Жамғарма маблағларидан фойдаланишга ёрдам берувчи кредит бериш, лизинг операциялари ва ижаранинг турли шакллари амалга оширишни таъминлаш ҳуқуқлари берилган бўлиб, тадбиркорларни ўз техник қувватини ошириш ва етарли

даражада ишлаб чиқаришни таъминлаш учун лизинг воситаларини бериш учун зарур маблағлар билан таъминлаган.

Лизинг хизматларини банклар секторига кириб келишини бевосита, республикамизда тижорат банкларинг фаолияти тугрисидаги меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратилиши билан чамбарчас бугликдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташкилот Иқтисодий фаолият миллий банки 1993 йил 21 январь ташкил этилган бўлиб, ушбу банк Низомига қура, ушбу жумлалар:

“бошқа операциялар билан бир қаторда банкасбоб-ускуна, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни сотиб олади ҳамда ижара ва лизинг шартларида бериши белгиланган”¹⁹ келтирилган бўлиб, халқаро лизинг хизматларини амалга оширувчи банк сифатида ҳам кенг ҳуқуқлар берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 августдаги 430-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш давлат-тижорат банки («Ўзжамгармабанк»)нинг “лизинг фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқи берилган” бўлиб, кейинчалик бу банк аҳолига қурсатилаётган банк хизматларининг кенг қуламли тизимини яратиш, эркин пул маблағларининг омонатларда тупланишидан аҳоли манфаатдорлигини ошириш, аҳолига кредит беришга ҳамда халқ ҳужалигининг устун тармоқларини ривожлантиришга йуналтирилаётган кредит-инвестиция ресурсларини қупайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорги асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш давлат-тижорат банкни бошланғич устав фонди 100 млн сум бўлган, Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкига айлантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ташкил этилган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қуллаб-қувватлаш фонди (бизнес-фонди)ни ҳамда унинг фаолияти масалалари тугрисида хорижий усқуналар лизингини ташкил этиш асосида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни технологик жихатдан қуллаб-қувватлаш масалалари

юзасидан чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 декабрдаги 563-сонли «кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий куллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тугрисида»ги қарорига мувофиқ уз кучини йукотган, ва «микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 9 июлдаги 240-сон қарори талабларига мувофиқ маҳаллий хом ашёдан экспортга йуналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тадбиркорларга лизинг асосида замонавий чет эл технология линиялари ва асбоб-ускуналари етказиб бериш йули билан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес лойиҳаларини куллаб-қувватлаш учун «раанани-холдинг» компанияси билан 50 млн. акш доллари суммасидаги қўшма дастурнинг амалга оширилиши қўзда тутилган.

Республикада замонавий инфраструктурани шакллантириш ҳамда товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг 5 январдаги 6-сонли «Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ» қўшма лизинг компаниясини ташкил этиш тугрисидаги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банкининг Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта қуриш ва тараққиёт банки, Мейбанк (Малайзия) билан биргаликда «Ўзбек лизинг Интернейшнл АЖ» қўшма лизинг компаниясини таъсис этилган.

«Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ» қўшма лизинг компаниясининг бош вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

-технология асбоб-ускуналарини республиканинг мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳужалик юритувчи субъектларига лизингга бериш учун сотиб олиш ва улардан фойдаланишни узок муддатларда маблаг билан таъминлаш;

-экспорт имкониятларини қўпайтириш ва импортнинг урнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига лизинг доирасида илгор технологияларни жалб этиш;

-урта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, халк истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ва хизматлар курсатишни қупайтириш учун кенг куламли лизинг хизматлари курсатиш;

-лизинг операцияларини амалга ошириш услубиётини ҳамда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича тавсияномаларни ишлаб чиқиш .

Республикадаги мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кумитаси Молия вазирлиги, «Ўзистикболстат» давлат кумитаси, Адлия вазирлиги, Ташки иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда қишлоқ жойларда лизинг шартларида қишлоқ хужалиги маҳсулоти ва маҳаллий хом ашёни қайта ишловчи ихчам, юқори унумли технологик асбоб-ускуналарни лизинг шартларида кичик ва хусусий қорхоналарга, фермер (деҳқон) хужалиқларига берувчи хорижий инвесторлар иштирокидаги сугурта ва лизинг компаниялари тармоқларини ривожлантиришга оид тақлифларни²³ ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Шу қарор асосида ишлаб чиқилган “ 1996 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари” дастурида Давлат мулки кумитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Ташки Иқтисодий Алоқалар Вазирлигига лизинг компаниялари ҳамда инвестиция фондлари тугрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш юзасидан тақлифларни қуриб чиқиш юқлатилган.

Лизинг хизматлари ва лизинг муносабатларини, ҳамда фуқароларнинг ушбу тушунча юзасидан жавобгарлик ва маъсуляларини белгилаб берувчи ва тартибга солувчи меъёрий хужжат 1996 йилнинг 15 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси бўлиб, ушбу кодекснинг 6-булим 587-599-моддалари бевосита лизинг хизматларига дахлдор ҳисобланади.

Лизинг хизматларини ривожланишини нафакат қишлоқ хужалиги соҳасида балки, республика лизинг бошқа соҳалари қатори авиация соҳасида

хам куришимиз мумкин.Авиация хизматлари халқаро бозорида «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпаниясининг рақобатдошлилигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1996 йил 25 ноябрда «Ўзбекистон Ҳаво Йуллари» авиакомпанияси томонидан иккита қиймати 201 826 000 ақш доллари суммасига тенг Боинг-767-300 ег самолёти ва PW-4062 русумли двигатель комплекти юзасидан «Боинг» (ақш) ва «Пратт Энд Уитней» (ақш) компаниялари билан молиявий ижара(лизинг) контрактлар имзоланган.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнларини янада ривожлантириш мақсадида 1997 йилда йирик корхоналар таркибидан ягона технологик занжирларни бузмайдиган алоҳида объектларни ажратиш имкониятларидан фойдаланилади, бундан мақсад уларни бир-бирига ухшаш, аммо бир-бирига қарам бўлмаган рақобатлашувчи ишлаб чиқаришларга бўлишдир. Йирик объектларни хусусийлаштириш жараёнида мулкларни, кейинчалик алоҳида цехларга, участкаларга, сотиб олиш ҳуқуқи билан ёки ҳуқуқсиз, лизингга беришга руҳсат этилади.

4. Лизинг хизматлари турлари ва бошқариш самарадорлигининг хусусиятлари

Республикамиз барча иқтисодий соҳалар ва тармоқларда жуда тез ривожланиб бораётган ва шу билан бирга халқаро бозорда узининг нуфузига эга мамлакатлар қаторига қиради. Ушбу ривожланиш тенденцияси албатта, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохатларга боғлиқ ҳисобланади. Айнан молиявий секторни ривожланиши, унга замонавий янги тушунчаларни ва хизматларни қириб қелиши шулар жумласидандир. Лизинг хизматлари бевосита молиявий муносабатлар билан боғлиқ ҳисобланиб, унинг иқтисодийетимизда тутган урни йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Лизинг унинг учта субъекти иштирок этадиган тугридан-тугри шаклда ҳам, лизинг олувчи ва сотувчи бўлиб бир шахснинг узи иштирок этадиган қайтариладиган шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар булиб колгани холда, лизинг шартномаси буйича олган лизингобъектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгаллик килиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга кушимча лизингга топширишга ҳақли. Кушимча. лизинг шартномасининг амал килиш муддати лизинг шартномасининг амал килиш муддатидан ортиқ булиши мумкин эмас.

Лизинг одатдаги кредит муносабатлардан фаркли биринчи навбатда, мазмуни, шакли, ташкилий жихатдан таъминланиши, иштирокчилар доираси, иктисодий самараси ва солиқка тортилиш тизими билан ажралиб туради. Бу фарқлар шундан келиб чиқадики, лизинг олинганида кредит муносабатлари кейинчалик ижара муносабатлари билан уйғунлашиб кетади.

Лизинг хизматлари бозорининг рижланиши, лизинг турларинг лизинг субъектларига мос келиши ва бошқа молиявий воситлардан афзаллиги билан белгиланади. Ижарадан лизингнинг фарқи шуки, лизинг берувчи муайян ишлаб чиқарувчидан муайян курсаткичларга эга булган лизинг мол-мулкани лизинг олувчининг топширувига биноан сотиб олиш мажбуриятини олади.

Лизинг жадал амортизациядан фойдаланиш имконини беради, шу йул билан тадбиркор мулк солиғи суммасини камайтиришга эришади. Лизинг олувчи олдидаги асбоб-ускуналарнинг сифати, бутлиги, етказиб бериш муддатлари ва бошқа хизматлар учун лизинг берувчи эмас, балки махсулот ишлаб чиқарувчи жавоб беради.

Илмий адабиётларда курсатилгандек лизингникенг тарқалган иккита тури мавжуд 33 :

-молиявий лизинг:лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига утади ва лизинг шартномаси муддати лизинг объектининг хизмат муддатидан 80 фоиздан ортиқ булади ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектининг колдик киймати унинг бошлангич кийматининг 20 фоизидан камини ташкил этади

- оператив лизинг:сотиб олиш ҳуқуқи булмади ва лизинг туловлари лизинг берувчини барча сарфларини копламайди

Лизинг муносабатларига оид илмий ишларда лизингнинг хозирги иктисодиётдаги турлари куйидагича ажратилган:

- молиявий ва оператив лизинг: лизингга олинган мол-мулкдан фойдаланиш муддатига караб;
- тоза ва хул лизинг: лизинг хизматининг хажми ва шаклига караб;
- халқаро ва ички лизинг: лизинг бозорининг жойлашган жойига караб;
- кайтарма ва аралаш лизинг: лизинг муносабатларининг характерига караб;
- алохидаланган ва гурухланган лизинг: лизингни молиялаш катнашчиларининг таркибига караб;
- бошка турдаги лизинг объекти билан алмаштириладиган ва айнан шу турдагии янги лизинг объекти алмаштириладиган лизинг: лизинг объектини янгиланишига караб;
- кушимча лизинг ва асосий лизинг: лизинг объектини учинчи шахсга фойдаланиш учун берилишига караб .

Молиявий лизинг гарб мамлакатларида XX асрнинг 80 - йилларига келиб жадал ривожлана бошлади. Дозирги пайтда ривожланган мамлакатларда инвестицияларнинг 25-30 фоизи лизинг операцияларига тутри келади. Шунингдек, янги тур мадсулотлардан 80 фоизга яқини айнан лизинг асосидаги ускуналарда ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ оператив лизинг «ижара» деган маънони англатади, молиявий лизинг эса «молиявий ижара» ёки «лизинг» маъносини англатади

Оператив лизингда лизинг берувчи уз харажатларини битта лизинг шартномаси орқали коплашни мақсад қилиб қуймайди. Бошқача қилиб айтганда, лизинг берувчи уз харажатларини битта лизинг олувчи дисобига копламайди. Лизинг берувчи машина ва ускуналарни умумий хизмат даврида техник куриқдан утқишиш, таъмирлаш ишларини амалга оширади.

Тезкор(оператив) лизинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- лизинг берувчилар учун янги имконият;
- технологиялар тез узгариши;
- иккиламчи бозор ривожланиши;
- сервис хизмати буйича шартнома;
- лизинг объектини лизинг берувчига кайтариш.

Халкаро лизингда экспорт ва импорт лизинги фаркланади. Агар лизинг компанияси лизинг предмети маҳаллий ишлаб чиқарувчидан дарид қилиб, уни хорижий лизинг олувчига тақдим этса, унда у экспорт лизинги бўлади. Аксинча бўлганда, яъни лизинг предмети хорижий ишлаб чиқарувчидан дарид қилиниб, маҳаллий лизинг олувчига тақдим этилса, унда импорт лизинги амалга оширилган бўлади.

Ички лизингда сотувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчилар орасидаги муносабатлар бир мамлакат ичида амалга оширилади.

Тоза лизингда лизинг олувчи лизингга олинган объектга техник ва бошқа хизматларни курсатишни уз зиммасига олса, ҳул лизингда лизинг берувчи лизинг объекти билан бирга унга техник хизмат курсатиш, уни таъмирлаш, сугурталаш, унда ишловчи кадрларни тайёрлаш, маркетинг дизматини ташкил этиш, тайёр мадсулот рекламаси, дом ашё билан таъминлаш каби хизматларни ҳам қилиши мумкин. Бунга

кетадиган харажатлар лизинг туловларига киритилади.

Кайтарма лизингда булажак лизинг олувчи корхонанинг ускунаси бор, лекин унга асосий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун молиявий маблағлар етишмайди. Шу сабабли корхона, узининг мулкни лизинг компаниясига сотади, кейин эса айнан шу ускунани лизинг берувчидан лизингга олади. Натижада, корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун айланма маблағлар пайдо бўлади ва ускунадан лизинг шартларида фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Аралаш лизинг - бу молиявий ва оператив лизингнинг барча элементларидан ташкил топган. Бунда лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан курсатилган сотувчидаги мулкни лизингга бериш мақсадида

сотиб олади ва лизинг олувчига лизингга етказиб беради. Лизинг муддати тугаши билан мулк лизинг олувчига утади.

Алохидаланган лизингда, лизинг берувчи лизинг объектини харид қилиш учун кетадиган маблағнинг бир қисмини уз маблағи эвазига тулайди, қолган қисмини эса бир ёки бир нечта кредиторлардан ссуда шаклида олиб тулаб беради.

Гурухланган лизингда лизинг берувчи жихозларни лизингга беришни банк ёки бошқа кредиторлардан олинган қарз маблағларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Қарз маблағлари лизинг объекти умумий нархининг 60-80 фоизини ташкил этиши мумкин.

Кушимча лизинг - бу тадбиркорлик фаолиятининг бир тури булиб, бунда лизинг объекти лизинг берувчининг ёзма розилиғи асосида лизинг олувчи томонидан фойдаланиш учун учинчи шахсга берилади. Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида асосий лизинг шартномаси асосида жавобгар булиб қолади. Кушимча лизинг шартномаси асосий лизинг шартномаси каби ёзма шаклида тузилади. Асосий лизингда лизинг объектини учинчи шахсга фойдаланишга бериш ҳуқуқи қузда тутилмайди.

5. Ривожланган мамлакатларда лизинг хизматлари амалиёти таҳлил

Ривожланган мамлакатлар бозорида лизинг молиявий дастак сифатида узининг бошқа турдаги кредит ва инвестициялардан қулайлиғи ва самарадорлиғи билан бирмунча ажралиб туради. Шундай қулайликка эга булган лизинг турларидан бири бу “дабл дин” булиб унинг афзаллиғи икки ва ундан ортиқ давлатларнинг солиқ имтиёзларидан яхлит фойдалана олиш имконияти билан изоҳланади. Масалан, 80-йилларда халқаро лизинг амалиётида қатор самолётлар айнан “дабл дин” асосида лизингга берилган. Бу жараён А[^]Ш ва Буюк Британия уртасида амалга оширилган.

Агарда лизинг берувчи мулк ҳуқуқида булган ҳолатда Буюк Британия солиқ тизимида кура бирмунча қулайликлари мавжуд булган, А[^]Ш солиқ

тизимига кура лизинг берувчи бундай ҳолатда зарар курган, уларда лизинг берувчи куп жихатдан мулкни бошқариш ҳукукида булиши иктисодий жихатдан самарали ҳисобланган.

Шундай килиб лизинг компанияси Буюк Британиядан самолётларни сотиб олишган ва уларни А[^]Ш лизинг компанияларига лизинг ва ижарага беришган, улар уз навбатида маҳаллий ҳаво йулларига бу самолётларни лизингга беришган. Кузатув таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, бугинги кунда бу турдаги лизингдан Франция ва Германия, А[^]Ш ва Франция, Япония ва А[^]Ш каби давлатлар ва бошқа куплаб мамлакатлар фойдаланишлари мумкин.

Лизинг бозорини минтакалар буйича ривожланишида суннги уч йилда Шимолий Америкада фаолият курсатаётган лизинг компаниялари ривожланиб, дунё бозорида пешкадамлик килмоқдалар. Куйида минтакалар буйича лизинг бозорининг улуши ва ривожланиш тенденциялари берилган.

Европада компьютер ва офис ускуналари лизинг операциялари уртача 12,5 фоизга тенг ва 4 фоизи йирик дамда кимматли мулклар дамда кимматли самолётлар, кемалар ва шу кабилар улушига тугри келади. Лизинг олувчилар фаолият турлари буйича лизинг бозори тадлили шуни курсатадики, лизингдан дамма турдаги корхоналар фойдаланади. Ишлаб чиқариш содаси вакиллари билан биргалиқда қурилиш ва хизматлар курсатиш сохалари вакиллари ҳам лизинг олувчилар сирасига киради. 2015 йилда хизмат курсатувчи сохалар сирасига жами ускуналар лизингининг 50 фоизи тугри келган.

Дуне мамлакатлари ичида 2013-2014 йиллар лизинг битимларида технологик жихозларнинг улуши юкори булган Австралия дисобланади. Унинг ушбу курсаткич буйича узиш динамикасини кузатадиган булсак, 2010 йилда 12 фоизни ташкил килган булса, 2014 йилга келиб 40 фоизни ташкил этган. Бунга асосий сабаб, мамлакатда технологик жидозларга булган талаб ошган. Канада иктисодиетида дам, технолгик жидозларга булга талабнинг купайиши ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш дастурларининг жорий

этилиш эвазига, технологик жидозларга тузилган лизинг битимлари салмоги ортган булиб, 2013 йилда энг юкори улушга, 32 фоизга эга булган. Германия давлатида 2012 йил якунлари буйича технологи жихозларга булган битим суннги ун йилликда энг куйи курсаткич, 5.8 фоизни ташкил этган. Бу уз навбатида, Германия лизинг бозорида технологик жихизларга булган талабнинг 2012 йилда пасайганлига ва бошка сохларнинг улуши купайганлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар:

Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларига қулайликлардан кенг берилаётгани бу – лизинглардир. Лизинг орқали янги очилаётган корхонанинг бошланғич (старт) кўринишдаги моддий ёки молиявий бойликлари мавжуд бўлмаса ҳам, ўз фаолиятини лизинг кўринишида олиб келинган техника воситалари орқали бошлаш имкониятлари кенг тарқалмоқда.

Иқтисодийнинг тадрижий равишда ўсиб боришини таъминлаш, яъни олдинги даврларга қараганда кўпроқ ялпи ички маҳсулот яратиш мақсадида мамлакатлар мавжуд ишлаб чиқаришнинг моддий ресурсларини капитал таъмирлаш, уларни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш ёки малакали иш кучини тайёрлаш, тараққиёт дастурларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш каби ишларни амалга оширишади. Буларнинг барчаси бевосита инвестицион фаолият билан боғлиқдир.

Мамлакат аҳолисининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ва фаровон яшаши учун иқтисодий ўсиш бўлиши шарт. Иқтисодий ўсиш – бу истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қондирадиган сифатли маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмининг кўпайиб бориши, демакдир. У мамлакат иқтисодийнинг илгарилаб ривожланиб боришини англатади.

Жаҳон амалиёти лизингни капитал жойлаштиришни маблағ билан таъминлашнинг, аниқроғи, лойиҳаларга инвестициялар жалб этишнинг юқори самара берадиган тури эканлигини курсатди. Куп йиллик кузатиш шуни курсатдики, бозор иқтисодиёти шароитида лизинг компанияларининг синиши камдан-кам учрайдиган ҳолдир.

Жаҳон амалиёти лизингни капитал жойлаштиришни маблағ билан таъминлашнинг, аниқроғи, лойиҳаларга инвестициялар жалб этишнинг юқори самара берадиган тури эканлигини курсатди. Куп йиллик кузатиш

шунинчиси курсатдики, бозор иктисодиёти шароитида лизинг компанияларининг синиши камдан-кам учрайдиган холдир.

Лизинг ибораси (инглизчадан «to lease» ижарага олиш ёки ижарага бериш маъносини билдиради ва иктисодий лугатга киритилган 1877 йилда киртилган. Бирок лизинг операциялари 1952 йилда Сан Франциско шаҳрида ташкил этилган «Юнайтед стейтс лизинг корпорейшн» компаниясида амалга оширилган ва АКШ янги бизнеснинг ватани булиб ҳисобланади. Демак, лизинг деганда ишлаб чиқаришга хизмат курсатувчи ҳар хил машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ҳисоблаш техникаси ҳамда бино ва иншоотларни узок муддатга ижарага берилиши тушунилади.

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, лизингда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сунг, уларни қолдиқ қиймати буйича сотиб олиш кузда тутилади. Лизингнинг фарқли хусусиятларидан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун уз маблағлари етишмайди. Шу сабабли қупчилик лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар қенг қулланилади. Бозор шароитида ҳукумат бугунги қун билан эмас, балки қелгусини уйлаб иктисодий сиёсат олиб боради. Лизинг фан-техника тараккиётига хизмат қилади. Эртанги қунда ишлаб чиқариш бугунги олинмаган солиқларни туликлигича қоплайди, демак, у иктисодиётни ривожлантириш учун қушимча имқоният яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги 1991 йил 19 ноябрдаги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 майдаги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори.
5. Шавқиев Э., Нормуродов У., Артиков З., Хазратов А. “Корхона иқтисодиёти” фанидан маърузалар курси I-II-қисм. Самарқанд – 2016 йил.
6. Йўлдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2005.
7. <https://stat.uz/uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
8. <http://www.lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
9. <http://ziyonet.uz/> – Таълим портали.